



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров  
PhD, доцент И.М.Пардаева  
PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**И.Б.Маттиев** – СамИСИ профессори, DSc

<b>Феруз Нематуллаевич Абилов</b> Қишлоқ ҳудудларида агросервис хизматларини кўрсатувчи инсон ресурслари фаолиятини такомиллаштириш	69
<b>Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов</b> Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларини яратишда сохта иқтисодиёт ва уни баргараф этишнинг амалий йўналишлари	74
<b>Мурод Нозирович Ибрагимов</b> Перспектива развития услуг по внедрению стандартов GxP в Узбекистане	79
<b>Рустам Алижонович Мусабоев</b> Подходы к стратегическому планированию развития сферы бытовых услуг республики узбекистан	84
<b>Ulug'bek Ziyadullayevich Narmurodov</b> Pochta va kuryerlik xizmat ko'rsatishni rivojlantirish holati va tahlili (Samarqand viloyati misolida)	88
<b>Тўлқин Исматулла ўғли Яхёев</b> Қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар самарадорлигини баҳолашни ва таҳлил қилиш усуллари такомиллаштириш	94
<b>Shohina Xujmaxmatovna Pirova</b> Ichimlik suvi ta'minotini rivojlantirishda xorijiy mamlakatlar tajribasi	98
<b>Nodira Abdullayevna Eshquvvatova</b> Xizmat ko'rsatish korxonalarida iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini baholash	102
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Юлдуз Пирназаровна Урунбаева</b> Ўзбекистонда музей туризмни бозорини ривожлантириш йўллари	107
<b>Дилбар Хасановна Асланова, Маликабону Фуркатовна Раупова</b> Совершенствование организационно-экономического механизма развития малого гостиничного бизнеса	113
<b>Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов</b> Зиёрат туризмида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тавсифи	116
<b>Райхона Садриддиновна Амриддинова</b> Ребрендинг как стратегический инструмент повышения конкурентоспособности гостиничных предприятий	121
<b>Ikrom Abdurashitovich Shukurov</b> Turizm sohasining barqaror rivojlantririshda ekonometrik modellashtirishning xorij tajribasi	124
<b>Sarvar Adxamovich Abduxamidov</b> Turistik mintaqalar: ularni tashkil qilish va rivojlantirishda rayonlashtirish xususiyatlari	130
<b>Дониёр Журакулович Абдуразаков</b> Туризм қишлоғи концепцияси ва унинг назарий-илмий тавсифлари таҳлили	135
<b>Mekhruza Sukhrobjon qizi Vafokulova</b> The role of family-owned businesses in the sustainable development of tourism in Samarkand	138
<b>Diyora Narzieva</b> Modern approaches to the development of cultural tourism	144
<b>Sadoqat Quدراتовна Bultakova</b> Xizmatlar sohasini diversifikatsiyalashning Yaponiya tajribasi	150

- создание кластеров и сетевых форм кооперации между малыми средствами размещения и туроператорами с локальным бизнесом;
- создание совершенствованной системы финансирования (расширить доступ к льготным кредитам для малых гостиниц, особенно в регионах с высоким туристическим потенциалом;
- разработать грантовые программы на модернизацию материально-технической базы,);
- внедрение IT-решений и повышение квалификации персонала.
- внедрение цифрового маркетинга (внедрить обучающие онлайн-курсы по продвижению гостиниц в цифровой среде. Работа с Booking, соцсетями - SEO, SMM;
- разработать государственную платформу, объединяющую малые отели в одну доступную систему бронирования;
- внедрять системы управления отелем (PMS, CRM) даже в малых объектах — через франшизы;
- необходимо обеспечить кадровое развитие-создать региональные центры подготовки кадров для гостиничного бизнеса (курсы администраторов, горничных, менеджеров. Стимулировать участие малых гостиниц в программах стажировок и обмена опытом.

На наш взгляд, внедрение этих элементов в организационно-экономический механизм функционирования субъектов малого гостиничного механизма позволит повысить его эффективность. А эффективный организационно-экономический механизм - это ключ к устойчивому развитию этого сегмента.

<p><b>D.Aslanova, M.Raupova</b>  <b>Kichik mehmonxona biznesini rivojlanishning tashkiliq-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish</b></p>	<p><b>D.Aslanova, M.Raupova</b>  <b>Improvement of the organizational and economic mechanism of development of small hotel business</b></p>
<p><b>Annotatsiya.</b> Ushbu maqolada kichik mehmonxona biznesi faoliyatining tashkiliq-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirishning nazariy va amaliy jihatlarini ko‘rib chiqilgan. Bozor iqtisodiyoti sharoitida kichik mehmonxonalarlarning barqaror rivojlanishiga ta‘sir etuvchi omillari tahlili va boshqaruv hamda standartlashtirish sohasidagi muammolarni aniqlashga alohida e‘tibor qaratilgan. Kichik mehmonxonalar faoliyati samaradorligini oshirish yo‘nalishlari taklif etilgan. Ushbu ishning amaliy ahamiyati — kichik mehmonxona sektorida tashkiliq-iqtisodiy vositalarni optimallashtirish bo‘yicha tavsiyalar majmuasini shakllantirishdan iborat.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> kichik mehmonxona biznesi, mehmonxona sektori, mini-mehmonxonalar, mehmon uylari, xostellar, tashkiliq-iqtisodiy mexanizm.</p>	<p><b>Abstract.</b> The article examines the theoretical and practical aspects of improving the organizational and economic mechanism of small hotel business operations. Particular attention is paid to the analysis of factors influencing the sustainable development of small hotels in a market economy, as well as the identification of management and standardization issues. The paper proposes directions for enhancing the efficiency of small hotel operations. The practical significance of the study lies in the development of a set of recommendations for optimizing organizational and economic tools in the small hotel sector.</p> <p><b>Keywords:</b> small hotel business, hotel sector, mini-hotels, guest houses, hostels, hotel industry, organizational and economic mechanism.</p>

**Темурбек Бобурмирзо ўгли Саломов – СамЙСИ таянч докторанти**

**ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАВСИФИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада зиёрат туризми соҳасида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари, уларнинг самарадорлиги ва туризм инфратузилмасини такомиллаштириш усуллари кенг қамровда таҳлил қилинган. Инновацион ёндашувлар жорий этиш ва манзилли ислохотларни амалга ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Мақолада хорижий ва мамлакатимиз олимларининг илмий адабиётлари ва туризмни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатларига таяниб таҳлиллар олиб борилган.

**Калит сўзлар:** зиёрат туризми, стратегик ривожлантириш, хизматлар турлари, инфратузилма, инновация, маркетинг, туризм сиёсати, халқаро тажриба.

**Кириш.** Зиёрат туризми — диний, тарихий ва маданий аҳамиятга эга объектларга саёҳат қилишни қамраб олган туризм тури бўлиб, жаҳон туризм бозорида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ўзининг бой мероси, хусусан Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломаларнинг мақбаралари билан зиёрат туризми учун улкан салоҳиятга эга. Лекин ушбу туризм турининг ривожини, хизматлар сифати ва инфратузилманинг замонавий талабларга жавоб бериши долзарб масала ҳисобланади.

2024 йил 18 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган ПФ–102-сонли фармон туризм соҳасини янада ривожлантириш, унинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва мамлакатга келаётган хорижий сайёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган муҳим қонун ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Ушбу фармон мамлакатимизнинг туризм ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш ва глобал рақобат муҳитида муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилади.

Фармонда, аввало, туризм инфратузилмасини ва хусусан зиёрат туризмни яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, янги меҳмонхона мажмуалари, йўловчи ташишга мўлжалланган транспорт хизматлари, туристик ахборот марказлари, замонавий йўл-транспорт тармоқлари ва бошқа қулайликлар яратиш вазифаси белгилаб қўйилган. Шунингдек, хусусий сектор ва хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда туризм объектларини қуришни рағбатлантириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, фармонда Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросини халқаро миқёсда тарғиб қилиш, мамлакат брендини шакллантириш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада халқаро кўргазмаларда иштирок этиш, хорижий ОАВ орқали туризм имкониятларини ёритиш, интернет ва рақамли платформаларда маркетинг фаолиятини кучайтириш муҳим вазифа сифатида қайд этилган. Фармонда ички туризмни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият берилган ва шу орқали зиёрат туризмга йўл очиш режалаштирилган. Аҳоли учун махсус имтиёзли турлар, саёҳат акциялари ва янги йўналишлар таклиф этиш орқали маҳаллий туризмни оммалаштириш кўзда тутилган. “Ҳар бир фуқаро — бир ойда камида бир бор саёҳатда бўлиши керак” тамойили асосида аҳоли ўртасида туризм маданиятини шакллантириш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари, замонавий инновацион технологияларни туризм соҳасига жорий этиш, электрон бронлаш, мобил иловалар, виртуал гайдлар ва интерактив ахборот тизимлари орқали туристлар учун қулай электрон муҳит яратиш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон исломий маданият ва тарихий ёдгорликларга бой бетакрор меросга эга. Шу боис, у мусулмон мамлакатларидан келадиган сайёҳлар учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин ва уларни жалб этиш борасида юқори салоҳиятга эга. Мамлакат ислом олами учун муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳарларга — хусусан, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби манзилларга эга. Булардан кўриниб турибдики зиёрат туризмни ривожлантириш ўз-ўзидан кўпайиб қолмайди. Буни дунё мусулмонлари яхши билгани билан тегишли зиёратни қилиб кетиши учун уларга жаҳон стандартларига жавоб берадиган шароит лозим. Бу жуда кўп масалаларни ўз ичига олади. Шу туфайли мазкур иш ўз аҳамияти жиҳатидан ҳам долзарб ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Туризм соҳасида кўплаб маҳаллий ва халқаро тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Смес(Smith, 2021) 2021-йилда ўзининг Диний туризм хизматларини ривожлантириш: Глобал нуқтаи назар (Developing Religious Tourism Services: A Global Perspective) асарида зиёрат туризмнинг маркетинг ва хизмат кўрсатиш стратегияларини муҳокама қилган. Зиёрат туризми Ўзбекистондаги олимлар хусусан, А.Каримов тадқиқотида туристларга хизмат кўрсатишнинг маҳаллий йўналишлари ва инфратузилмасининг муаммоларини очиб берган. UNWTO (2020) ҳисоботларида зиёрат туризмнинг глобал ўсиш тенденциялари ва уларнинг иқтисодий таъсири кўрсатилган. Шу билан бирга, Шарплея ва Сундрам (Sharpley & Sundaram, 2005) томонидан диний туризмнинг таълимий ва маданий функцияларини ҳам кенг ёритиб беришга муваффақ бўлган.

**Тадқиқот методологияси.** Зиёрат туризмида кўрсатиладиган хизматлар турларини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тавсифини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, макон ва замон, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

Шунингдек, сўровномалар, интервьюлар ва давлат статистик маълумотлари ҳам қўлланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистонда зиёрат туризми салоҳияти юқори бўлишига қарамадан, кўплаб муаммолар мавжуд. Масалан, зиёрат объектларида зарур логистика, инфратузилма, жумладан, авто ва темир йўл қатнови, санитария хизматлари етарли эмас. UNWTO (2019) ҳисоботида қайд этилганидек, зиёратчилар учун барқарор ва қулай муҳит яратиш туризмда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Хорижий тажрибада, масалан, Саудия Арабистонидаги Ҳаж инфратузилмаси зиёратчилар оқимини самарали ташкил қилиш учун IT технологиялар, навигация хизматлари ва электрон брон қилиш тизимларини жорий қилган. Ўзбекистонда эса бундай инновацион ёндашувлар ҳали жорий қилинмаган ёки чекланган даражада. Бундан ташқари, туристик гидлар сони етарли эмас, ва мавжуд гидларнинг аксарияти чет тилларини билмайди. Баъзи зиёрат объектларида онлайн маълумот ва мобил иловалар ҳам мавжуд эмас.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Замахшарий каби буюк алломаларнинг номлари бутун мусулмон оламида яхши танилган. Улар орасида Баҳоуддин Нақшбанд ҳозирда “Суфийлик султони”<sup>1</sup> сифатида эътироф этилмоқда ва бу ҳолат уни суфий зиёратчилари учун муҳим зиёрат объекти ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида туризм нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга қатор ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улар қаторига Имом Бухорий мақбараси, учта асосий дин вакиллари учун муқаддас бўлган Дониёр пайғамбар қабри, Амир Темурнинг маънавий устози Шайх Бурҳонуддин Сағарджий дафн этилган Руҳобод мақбараси ҳамда Шоҳи Зинда қабристон мажмуаси киради.

Туризм ва менежмент соҳасидаги тадқиқотчилар томонидан зиёрат мақсадида Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик сайёҳат маршрути ишлаб чиқилган бўлиб, у Тошкентдан Бухорогача бўлган 30 дан зиёд манзилга ташрифни ўз ичига олади<sup>2</sup>. Шунга қарамадан Ўзбекистонда зиёрат туризми бўйича яхлит ва ривожланган бренд ҳали шаклланмаган. 2017 йилда хорижий мутахассислар томонидан бир неча ой давомида олиб борилган сўровнома натижаларига кўра, ўша даврда мамлакатга келган меҳмонларнинг фақат 2,2 фоизи зиёрат билан боғлиқ фаолият учун ташриф буюрган<sup>3</sup>. Бу эса, Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган ресурсларнинг кўп қисми маданий ва тарихий йўналишларга қаратилаётганини, диний туризм эса етарлича эътиборга олинмаётганини кўрсатади. 2017 йилда “Ярим Ой” рейтингда (Crescent Rating) рейтинг тизими бўйича — яъни ҳалол туризм бўйича давлатлар ўрни баҳоланган рейтингда — Ўзбекистон фақат 29-ўринни эгаллаган<sup>4</sup>.

Тадқиқот жараёнида зиёрат туризмида хизмат турларини ривожлантиришга доир йўналишлар бўйича унинг ҳозирги ҳолати, ривожлантириш йўналишлари ва айрим хорижий тажрибалар намуналарининг қиёсий ҳолатини келтирдик (1-жадвал).

Ушбу жадвалда зиёрат (диний) туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хизмат турларининг таҳлили келтирилган. Бунда туристларга кўрсатиладиган бешта тури қиёсий таҳлил қилинган. Ҳар бир хизмат тури тўртта қисмда кўрсатилган. Хизматлар турида қайси турдаги хизмат ҳақида гап кетганлиги, уларнинг ҳозирги ҳолатида эса, бу хизматнинг ҳозирги кунда юртимизда қандай аҳволда эканлиги ёритилган. Навбатдаги босқичда ҳар бир тури бўйича ривожлантириш йўналишлари, яъни кўрсатиладиган хизмат-

**1-жадвал.**

<sup>1</sup> Бахтиёр Наврузода ва Зебинисо Наврузода. “Ўзбекистонда диний туризмни ривожлантиришда мақсадли маркетингни шакллантириш.” «Диний туризм ва зиёратга доир халқаро журнал» (International Journal of Religious Tourism and Pilgrimage). 4, № 7 (2016): 9–10. doi:10.21427/D7G01X.

<sup>2</sup> “Ўзбекистондаги сўфий зиёратгоҳлари бўйлаб таклиф этилаётган ‘Сўфий тури’”.

<sup>3</sup> Centre of Business and Tourism Development (CBTD). 2017 Халқаро сайёҳлар оқими бўйича таҳлилий ҳисобот (Uzbekistan International Visitor Trend Survey Report). Хива, Ўзбекистон, 2018. Ҳужжатга 30-июль куни кириди.

<sup>4</sup> “Ўзбекистонда ҳалол туризм? Албатта!” — Ўзбекистон Республикасининг Новосибирскдаги Бош консулхонаси (манба: Uzbekistan Today), май 2018 йил, 1-май. Манба: [http://www.uzbekistan.nsk.ru/index.php?option=com\\_content&view=article&id=10291:halal-tourism-in-uzbekistan-sure&catid=40:tourism&Itemid=91](http://www.uzbekistan.nsk.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=10291:halal-tourism-in-uzbekistan-sure&catid=40:tourism&Itemid=91)

**Зиёрат туризмида хизмат турларини ривожлантиришга доир йўналишлар<sup>1</sup>**

Хизмат тури	Ҳозирги ҳолати	Ривожлантириш йўналишлари	Хорижий тажриба намунаси
Меҳмонхона хизмати	Етарли эмас, айрим зиёрат объектларида мавжуд эмас	Хусусий секторни жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида қурилиш	Саудия Арабистони: зиёратчилар учун махсус меҳмонхоналар кластери
Гидлик хизмати	Гидлар сони кам, чет тилларини билмайдиганлар кўп	Сертификация ва чет тиллар курслари орқали тайёрлаш	Туркия: давлат томонидан тасдиқланган лицензион гидлар тизими
Транспорт хизмати	Қисман мавжуд, замонавий эмас	Автобус ва микроавтобуслар ташкил этиш, янги йўллар қуриш	Эрон: зиёрат йўналишлари бўйича махсус маршрутлар
Рақамли хизматлар	Кам, баъзи объектларда мавжуд эмас	Мобил иловалар, онлайн брон қилиш ва харита платформалари	Индонезия: Нај мобил иловаси ва рақамли йўл йўриқлари
Маркетинг ва реклама	Етарли даражада эмас	Халқаро кўрғазмаларда иштироки, онлайн реклама	Малайзия: диний туризм бўйича тарғибот платформалари

ларнинг қандай тарзда яхшиланиши мумкинлиги ҳақида таклифлар берилган. Буларнинг ҳолати бўйича тўғри хулоса чиқариш учун хорижий тажрибалардан айрим намуналар келтирилган. Бунда айрим давлатларда ушбу хизмат қай тарзда йўлга қўйилгани ҳақида мисоллар келтирилган.

Умуман олганда мазкур таҳлил натижаси, зиёрат туризмини ривожлантиришда қайси хизмат турларига эътибор қаратиш кераклигини ва уларни яхшилаш бўйича хориж тажрибасидан қандай фойдаланиш мумкинлигини ҳам кўриш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар.** Мавжуд қиёсий таҳлил маълумотлари асосида бир қанча хулосалар қилиш билан бирга қуйидаги таклифларни ҳам ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Булар қуйидагилардан иборат:

**Биринчидан,** зиёрат туризми объектларидаги инфратузилмани модернизация қилиш, хусусан, электрон навигация, замонавий санитария узеллари ва транспорт алоқаларини яхшилаш.

**Иккинчидан,** хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ҳар бир ҳудудда доимий малака ошириш курсларини жорий қилиш, айниқса, чет тилларини билишга эътиборни қаратиш лозим. Ҳар бир зиёрат туризми объектини тарихини билиш билан бирга, унинг кадриятларимиз асоси эканлиги хусусида ҳам гапирадиган даражада гидларни тайёрлаш лозим.

**Учинчидан,** глобал миқёсда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва UNWTO, IRTS каби ташкилотлар билан ахборот алмашинувини кучайтириш. Ҳар бир зиёратгоҳнинг ахборот базасини интернетда жойлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир

**Тўртинчидан,** зиёрат туризмини рақамлаштириш мақсадида, ҳар бир объектда мобил иловалар орқали онлайн брон қилиш тизимларини жорий этиш ҳам хорижий туристлар учун ҳам мамлакатимизда фаолият олиб бораётган туристик фирмалар учун ҳам анча қулайликлар яратади. Маҳаллий туристик фирмалар олдиндан кимлар, қайси давлатдан, неча киши келишини билиб туради.

**Бешинчидан,** маркетинг стратегияси асосида махсус зиёрат турларини ишлаб чиқиш, халқаро саёҳатчиларни жалб қилиш учун тарғибот ишларини кучайтириш ҳам мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳозир ахборот технологиялар орқали амалга ошириш масаласи анча енгиллашиб қолди.

<sup>1</sup> Мақоланинг муаллиф томонидан тузилган

**Олтинчидан,** туристларнинг яхши дам олиши, уларнинг хавфсиз сайр қилишини таъминлаш учун Давлат-хусусий шериклик асосида сервис марказлари, меҳмонхоналар, дўкон ва савдо нуқталарини ташкил этиш лозим. Бунда қадриятларимизни тараннум этадиган миллий товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ишларини йўлга қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ. Чунки хорижий туристлар бизнинг миллий қадриятларимизга мос бўлган буюмларни иштиёқ билан харид қилишини тарихдан маълум, бу иш бугун ҳам давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу илмий-амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга туризм соҳасида банд бўлган инсон ресурсларини замонавий талабларга жавоб берадиган даражага кўтарилишига, шу асосда туристик хизматларини ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Булар пировардида аҳоли фаровонлигини оширишнинг “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган туристлар сонини кўпайтиришга қаратилган кенг кўламли стратегик вазибаларни бажариш имкониятларини яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Смит, Ж. *Диний туризм хизматларини ривожлантириши: глобал нуқтаи назар*. Халқаро диний туризм журналі, 10-сон 2021-йил, 25–40 бетлар.
2. Каримов, А. *Ўзбекистонда зиёрат туризми: муаммолар ва имкониятлар*. Туризм тадқиқотлари журналі, 15-сон 2022-йил, 45–60 бетлар.
3. Шарпли, Р., Сундарам, П. *Туризм: муқаддас саёҳатми? Ҳиндистондаги ашрамлар мисолида*. Халқаро туризм тадқиқотлари журналі, 7-сон 2005-йил, 161–171 бетлар.
4. БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO). *Диний туризм ва зиёрат: глобал шарҳ*, 2020-йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. *Зиёрат туризмни ривожлантириш стратегияси*, 2024-йил.
6. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси. *Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш концепцияси*, 2023-йил.
7. Хендерсон, Ж. *Диний туризм ва уни бошқариши: Саудия Арабистонидаги Ҳаҷ*. Халқаро туризм тадқиқотлари журналі, 13-сон 2011-йил, 541–552-бетлар.
8. Коллинз-Крейнер, Н. *Зиёрат тадқиқотлари: давомийлик ва ўзгаришлар*. Туризм тадқиқотлари анналари, 37-сон 2010-йил, 440–456 бетлар.

<p><b>Т.Саломов</b></p> <p><b>Стратегические направления и описание развития видов услуг, предоставляемых в паломническом туризме</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье всесторонне проанализированы стратегические направления развития видов услуг, предоставляемых в сфере паломнического туризма, их эффективность, а также современные методы совершенствования туристической инфра-структуры. Кроме того, разработаны практические рекомендации по внедрению инновационных подходов и реализации целевых реформ. В процессе анализа использованы научные труды отечественных и зарубежных исследователей, а также положения государственной политики, направленной на развитие туристической отрасли.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> паломнический туризм, стратегическое развитие, виды услуг, инфраструктура, инновации, маркетинг, туристическая политика, международный опыт.</p>	<p><b>T.Salomov</b></p> <p><b>Strategic directions and description of developing types of services provided in pilgrimage tourism</b></p> <p><b>Abstract.</b> This article presents an in-depth analysis of the strategic directions for the development of service types in pilgrimage tourism. It focuses on enhancing service quality. Drawing from both local policies and international academic literature, the study highlights practical recommendations for modernizing pilgrimage tourism services in Uzbekistan and aligning them with global best practices.</p> <p><b>Keywords:</b> pilgrimage tourism, strategic development, service types, infrastructure, innovation, marketing, tourism policy, international experience.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

10.09.2025 йилда теришга берилди. 26.09.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0054А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.